
Марғилон шаҳрида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида “Бибихоним мактаблари” ташкил этилди

Шу муносабат билан шаҳардаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган таъсис йиғилишида мактабларда олиб бориладиган ўқув жараёнлари муҳокама этилди.

- Ушбу мактаб ўсмирлик ёшидаги қизларни ҳаётга тизимли тайёрлаш, уларда турли ҳаётий вазиятларда муносиб қарор қабул қилиш кўникмалари ва етакчилик сифатларини шакллантириш, замонавий касб-ҳунарни эгаллашга бўлган интилишни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш маскани ҳисобланади, - дейди шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнорахон Жўрабоева.

Маълум бўлишича, «Бибихоним мактаблари»да ўтказиладиган машғулотларга:Зулфия номидаги давлат мукофоти ва бошқа мукофотлар ҳамда «Мўътабар аёл» кўкрак нишони совриндорлари;ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимларга, обрў-эътиборга эга бўлган, фаол ҳамда катта тажрибага эга бўлган тарғиботчи хотин-қизлар;умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари ва психологлари жалб этилади.

Бу мактабларда ўсмир ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, уларда етакчилик сифатларини тайёрлаш, турли ечим ва қарорлар қабул қилиш ўргатилади

2021-09-18 17:43:38